

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Сергели тумани мактабгача

таълим бўлими
М.Б.Темирова

«_» 2022 йил

Тошкент шаҳар Сергели туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 600-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида жорий таъмирлаш ишлари бўйича хизмат кўрсатиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Буюртмачи: Сергели тумани мактабгача таълим бўлими

Тайёрлади:

А.Сапарбаев



Тошкент – 2022 йил

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Техник топшириқ — давлат буюртмачиси томонидан товарнинг (иш, хизмат) асосий мақсадига, унинг тавсифига қўйиладиган талаблар, давлат ҳаридининг бирламчи маълумотлари, мақсадлари ва вазифалари, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш муддатлари, сифат кафолатлари, тавсифи ва хажми, ҳисбот шакллари (зарур ҳолларда), товарга (ишлар, хизматлар) қўйиладиган талабларнинг асослантирилиши, эквивалент кўрсаткичлар, иқтисодий, бошқа маҳсус талабларни ўз ичига олган хужжат.

1.2. Буюртмачи Сергели тумани мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда Буюртмачи деб юритилади).

1.3. Давлат мактабгача таълим ташкилоти биносида жорий таъмирлаш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

1.4. Иш тури: Тошкент шаҳар, Сергели тумани жойлашган 600-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносида жорий таъмирлаш ишлари бюджет ишларини олиб бориш (кейинги ўринларда - Объект).

1.5. Иш бошлишнинг режага оид муддатлари: шартнома тузилган санадан бошлаб.

2. ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОБЪЕКТИ

2.1. Тошкент шаҳар, тумани, Сергели тумани жойлашган 600- давлат мактабгача таълим ташкилоти

3. ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

3.1. Ишлар Буюртмачининг тегишли хуносалари мавжуд бўлган, тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ бўлиши керак. (1,2,3-иловада кўрсатилган намуна асосида)

4. ИЖРОЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Пурратчи бундай иш турларини бажариш талабларига жавоб бериши керак.

4.2. Ўхшаш иш бўйича ишларни бажариш тажрибаси 5 (беш) йилдан кам бўлмаслиги керак.

4.3. Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги (зарур ҳолларда ишчи комиссия далолатномаси ва бошка тасдиқловчи хужжатларни тақдим этилиши).

4.4. Тегишли ишларни бажаришга рухсат берувчи хужжатлар мавжуд бўлиши шарт. Ижрочи жорий таъмирлаш ишларини бажариш вақтида курилиш ишлари учун зарур бўлган барча зарур ва маҳсус рухсатномаларга эга бўлиши керак.

4.5. Ишларни бажариш учун ижрочи ташкилот штатида йетарли малака ва тажрибага эга бўлган зарур мутахассисларга эга бўлиши шарт.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Ишларни бажариш муддати – шартнома тузилган кундан бошлаб шартнома муддати тугагунга қадар фаолият кўрсатиш.

6. ИЖРОЧИНинг ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ижрочи қўйидагилар учун жавобгар:

Ишларнинг қонунчилик талаблари ва меъёрий хужжатларга мувофиқ сифатли бажарилиши;

Ишларни бажариш пайтига тегишли сертификатлари бўлган ўз асбоб ускуналаридан фойдаланиши.

6.2. Барча ишларни малака даражаси паст бўлмаган мухандислик-техник ходимлар, мутахассислар, ишчилар амалга оширишлари лозим. Камида 5 йил тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги.

6.3. Ижрочи ишни ўз вақтида бажариш учун керакли мутахассисликлар ва етарли микдорда малакали техник ходимлар билан таъминлаши керак:

6.4. Бажариладиган ишнинг хусусиятига мос келишига кўра Ижрочи Буюртмачига субподрядчи, жалб қилган ходимларнинг сони ва малакаси, бундай ишларни бажариш тажрибаси, техник жихозларнинг мавжудлиги ва кичик механизациялар тўғрисида маълумот бериб, Буюртмачи билан келишилган холда, иш бажариш мумкин.

6.5. Ижрочи сайтда бажарилган ишлар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш, ахборот алмашиш учун Буюртмачи томонидан ўтказиладиган юзма-юз учрашувларда шахсан иштирок этиши ёки унинг ваколатли вакилининг иштирокини таъминлаши керак.

7. КАФОЛАТЛАР ХАЖМИ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

7.1. Кўрсатилган хизматлар кафолати тўлиқ хажмда тақдим этилади. Кўрсатилган хизматлар сифатининг кафолатини тақдим этиш хажми деганда кафолат мажбуриятлари кучга кирган тақдирда бажариладиган умумий ишлар хажми тушунилади.

7.2. Кўрсатилган хизматлар кафолатининг муддати - шартноманинг амал қилиш ва хизматларни қабул қилиш якуний далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб кейинги 12 (ун икки) ой даври. Агар кафолат муддати даврида камчиликлар ёки нуқсонлар аниқланса, ижрочи (ўзининг айби йўклигини исботлай олмаган тақдирда) буюртмачи билан келишилган хамда аниқланган камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этиш муддати билан далолатномада қайдланган муддатларда уларни ўз хисобидан бартараф этиши шарт. Ушбу холда кафолат муддати мос равишда нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади.

7.3. Сифати бўйича шартнома, мазкур техник топшириқ талабларига ва буюртмачининг талабларига мувофиқ бўлмаган кафолат мажбуриятлари кўрсатилган тақдирда, ижрочи шартномага асосан микдорда ва хажмда кафолатланган тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Хизматлар сифатининг кафолатларини тақдим этиш хажми бўйича ижрочи мажбуриятлари шартнома амал қилиш муддати ёки кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар ва хизматлар сифатининг шартнома талабларига мувофиқ бўлмаган фактлар аниқланган хизматлар (хизматлар босқичларига) нисбатан қўлланади.

8. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ВА ХИЗМАТЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

8.1. «Бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги», комунал таъмирлаш ва монтаж ишлари ташкил этишга қўйиладиган гигиеник талабларнинг санитар қоидаларига хамда хизмат кўрсатиш ва уларнинг натижаларининг хавфсизлигини регламентлайдиган бошқа норматив хужжатларга мувофиқ.

8.2 Ижрочи меъёрий хужжатларга, шунингдек маҳаллий меъёрий хужжатларга мувофиқ объектда меҳнат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси, ёнгин хавфсизлиги, атроф мухит муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаши шарт.

8.3. Ижрочининг барча ходимларнинг согликни саклаш суғуртаси ёки иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси Объектда хизмат кўрсатиш, иш бажариш бутун муддати давомида мавжуд бўлиши шарт.

8.4. Давлат мактабгача таълим ташкилоти биносида жорий таъмирлаш ишлари фойдаланадиган давлат мактабгача таълим ташкилоти биноси ва худуд

шароитида амалга оширилиши сабабли, Ижрочи одамларнинг хавфсизлигига кўйиладиган талаблар бажарилишини таъминлаши шарт.

8.5. Объектдаги фавқулодда холатнинг аниқланган пайтдан бошлаб бир кун ичидаги Буюртмачига маълум қиласди.

8.6. Ижрочи иш вақтида меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун жавобгар бўлиб, рухсатсиз шахсларнинг иш жойига киришини чеклади.

8.7. Ижрочи комунал таъмирлаш ва монтаж ишлари интизомини ва гигиена стандартларига риоя қилишни ўз зиммасига олади.

9. НАРХ ҚИСМИ

9.1. 2022 йил 2-чорак давлат мактабгача таълим ташкилоти биносида жорий таъмирлаш ишлари учун тўлов ҚҚСни хисобга олган холда чегаравий қиймати умумий холда 215 209 619 сўмни ташкил қиласди.